

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛДИЕВ ОТАБЕК ШОДИЕВИЧ**

**КУНГАБОҚАР ЙИҒИШТИРИШ УЧУН ҒАЛЛА КОМБАЙНИ  
ЖАТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулбаҳор – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Очилдиев Отабек Шодиевич**

Кунгабоқар йиғиштириш учун ғалла комбайни жаткасини  
такомиллаштириш ва параметрларини асослаш..... 3

**Очилдиев Отабек Шодиевич**

Совершенствование и обоснование параметров жатки зерноуборочного  
комбайна для уборки подсолнечника ..... 21

**Ochildiev Otabek Shodievich**

Improvement and justification of the parameters of the header of a combine  
harvester for harvesting sunflower ..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛДИЕВ ОТАБЕК ШОДИЕВИЧ**

**КУНГАБОҚАР ЙИҒИШТИРИШ УЧУН ҒАЛЛА КОМБАЙНИ  
ЖАТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/T479 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанақулов Комил Дуллиевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Имомқулов Қутбиддин Боқижонович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Худайқулиев Ражаббой Рузматович**  
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Қишлоқ хўжалиги техникаси ва  
технологияларни сертификатлаш ва синаш  
маркази**

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz)).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Т. Тошболтаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**А.А. Ибрагимов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**А.Тўхтақўзиёв**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кунгабоқар уруғини йиғиштиришнинг энергия-ресурстежамкор технологияси ва техника воситаларини ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида 25,5 млн. гектар майдонда кунгабоқар етиштирилиб, мой учун 44 млн. тоннадан зиёд уруғ олиншини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, уни кам нобудгарчилик билан йиғиштириб олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан кунгабоқарни йиғиштириш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситаларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кунгабоқар йиғиштиришнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан кунгабоқарни йиғиштиришга мослаштирилган жатка билан жиҳозланган ғалла комбайнидан фойдаланиш орқали юқори иш сифати ҳамда энергия-ресурстежамкорликка эришиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан кунгабоқарни йиғиштириш учун кам нобудгарчилик билан йиғиштириш имкониятини берадиган энергия-ресурстежамкор жатка ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг технологик жараёнларини асослаш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистонда мойли экинлар ҳосилини етиштиришда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, кунгабоқарни кам нобудгарчилик билан сифатли йиғиштиридиган юқори самарадорликка эга ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга...ёғ олинadиган экинларни экиш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан, кунгабоқар йиғиштиришни амалга оширадиган жаткаларни ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг юқори иш сифатини кам харажат сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/#data/suflowerseed/QS>

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кунгабоқарни йиғиштириш бўйича тадқиқотлар X.Li, T.Csanadi, I.Dalmiş, A.Mirzabe, E.Sitchenko, S.Sudajan, R.Taylor, R.Martin, V.Hofman, V.Miklič, H.Kutzbach, Ya.Kaya, B.Шафоростов, С.Макаров, М.Попов, А.Старцев, В.Федоров, В.Капустин, Г.Егорова, Н.Иванчук ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Аммо яқингача республикамиз шароитида кунгабоқарни йиғиштириш технологияси ва техника воситаларини асослаш, ғалла комбайнларини кунгабоқар йиғиштиришга мослаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-3-007-2015 «Ўзбекистонда мойли экинларни йиғиштириш ва уруғини тозалашнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш ва машиналарини асослаш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғалла комбайни жаткасини кунгабоқарни йиғиштиришга мослаштириб такомиллаштириш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослаш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кунгабоқарни йиғиштиришни механизациялаш воситалари ва уларнинг ишчи қисмларини тадқиқ этиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда энг кўп етиштирилаётган мойли кунгабоқар навларининг йиғиштириш давридаги биометрик ва ўлчам-масса кўрсаткичларини ўрганиш;

ғалла комбайни жаткасини кунгабоқарни йиғиштириш учун такомиллаштириш бўйича илмий-техник ечимларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган техник ечимлар ва кунгабоқарни йиғиштириш учун такомиллашган жатканинг конструктив ва технологик параметрлари ҳамда иш режимларини аниқлашга доир назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатка билан жиҳозланган комбайннинг хўжалик синовларини ўтказиш ва унинг иқтисодий самарасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кунгабоқар ва унинг компонентлари, кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайни ўриш қисмининг технологик иш жараёни, кунгабоқар йиғиштириш учун такомиллаштирилган жатка ва унинг ишчи қисмлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кунгабоқар ўришга мослаштирилиб такомиллаштирилган ғалла комбайни жаткаси ишчи қисмларининг кунгабоқар билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар, такомиллаштирилган жатканинг параметрлари ва иш режимларига боғлиқ ҳолда уни иш кўрсаткичларининг ўзгариш тавсифи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида математик таҳлил, назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари ҳамда экспериментларни ўтказиш учун мавжуд меъёрий ҳужжатларда (TSt 63.01-99, ГОСТ 28301-2007, ГОСТ 52778-2007) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кунгабоқарни йиғиштириш учун ғалла комбайнига туп йўналтиргич-ажраткичлар қўйиш орқали такомиллаштирилган жатканинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

туп йўналтиргич-ажраткичларнинг узунлиги комбайн ҳаракат йўналиши томон эгилган кунгабоқар саватчаларининг қирқилгандан сўнг туп йўналтиргич-ажраткич устига тушиш шартидан асосланган;

туп йўналтиргич-ажраткичларнинг эни уларнинг кунгабоқар пояларини комбайнга қарама-қарши эгиб кетмаслигини, туп йўналтиргич-ажраткичлар орасидаги тирқиш эса энг кичик саватчалар ўлчами ҳамда ўриш аппаратининг бармоқлари орасидаги масофани ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

такомиллаштирилган жатка мотовиласидаги планкалар сони ва айланишлар частотаси, планкаларнинг саватчадаги уруғни уриб тўкмаслик шarti асосида аниқланган;

мотовилонинг ўриш аппаратига нисбатан бўйлама жойлашиши ва ўрнатилиш баландлиги пояларнинг қирқилгунча мотовило таъсиридан чиқиб кетмаслиги ва қирқилган пояларни айланиб, планкадан ошиб кетмаслигини ҳисобга олган ҳолда асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кунгабоқар йиғиштириш учун мосламалар ишлаб чиқиш ҳамда мотовилонинг параметр ва иш режимларини асослаш орқали ғалла жаткаси кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилди;

ишлаб чиқилган жаткадан кунгабоқар йиғиштиришда фойдаланилганда уруғ нобудгарчилиги камайиши ва ғалла комбайнидан фойдаланиш самарадорлигининг ортиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган кунгабоқар йиғиштириш учун мослаштирилган жатка синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кунгабоқар йиғиштириш учун мослаштирилган жатканинг сифат кўрсаткичларини уларнинг

параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи аналитик боғланишлар олинганлиги ва улардан бошқа шунга ўхшаш қурилма ва иш органларини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавжуд ғалла комбайнлари жаткасини кунгабоқар йиғиштиришга тез ҳамда кам маблағ ва меҳнат сарфланиб мослаштириш ҳамда технологик жараённинг сифатли бажарилишини таъминлаши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатка параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ғалла комбайни жаткасини такомиллаштириш ва унинг кунгабоқарни йиғиштиришдаги иш сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун дастлабки талаблар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/023-4318-сон маълумотномаси). Натижада кунгабоқарни агротехник талаблар даражасида йиғиштиришни таъминлайдиган такомиллаштирилган жаткани ишлаб чиқиш имкони яратилган;

кунгабоқар йиғиштириш учун такомиллаштирилган жатка билан жиҳозланган ғалла комбайни Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги фермер хўжаликларида ҳамда Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўртачирчиқ туманидаги “Мойли экинлар” бўлимида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги №02/023-4318-сон маълумотномаси). Натижада такомиллаштирилган жатка ғалла комбайнининг уруғ нобудгарчилигини 2,6-2,8 фоизга камайтириш ва иш унумини 1,56 гектар/соатгача ошириш имконини берган;

кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган ғалла жаткасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа конструкторлик хужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган («ВМКВ-Agromash» АЖ нинг 2019 йил 18 ноябрдаги №01-308-сон маълумотномаси). Натижада ғалла комбайни жаткасини кунгабоқар йиғиштиришга мослаштириш учун туп йўналтиргич-ажраткичларни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 7 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кунгабоқарни йиғиштиришнинг бугунги ҳолати ва масала ечимининг асослари»** деб номланган биринчи бобида республикада кунгабоқар етиштиришнинг ҳозирги ҳолати, кунгабоқарни йиғиштириш технологик жараёнлари ва техника воситаларининг таҳлили, кунгабоқарни йиғиштиришга қўйиладиган агротехник талаблар келтирилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Кунгабоқарнинг йиғиштириш даврида биометрик ва ўлчам-масса хоссалари»** деб номланган иккинчи бобида кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайни жаткаси конструкцияси ва ишчи қисмларининг параметраларини асослаш учун асосий манба сифатида республикада етиштирилаётган мойли кунгабоқар навларига қараб уларнинг йиғиштириш давридаги биометрик кўрсаткичлари, ўлчам-масса тавсифларини ўрганиш бўйича тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Тадқиқотлар шуни кўрсатдики йиғиштириш вақтида мойли кунгабоқарнинг ўртача узунлиги 161,7-196,3 см, баландлиги 137,1-166,4 см, эни 37,5-43,6 см, саватчани ерга нисбатан жойлашиш баландлиги 121,4-144,7 см, саватча диаметри 16,2-19,25 см, кунгабоқарни эгилиш бурчаги 4°48' - 5°66', бир туп кунгабоқар ўсимлигининг ўртача умумий массаси 531,5-621,2 г, саватчасининг (уруғ билан биргаликда) массаси 228,9-272,9 г, саватчадаги уруғлар массаси 36,1-40,9 г ни ташкил этиши аниқланди.

Диссертациянинг **«Кунгабоқарни ўришга мослаштирилган жатка параметрларини назарий тадқиқ этиш»** деб номланган учинчи бобида кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатканинг технологик схемаси ишлаб чиқилган, унинг параметрлари ва иш режимларини назарий асослашга доир изланишларнинг натижалари ёритилган.

Илмий-техник адабиётлар ва патент-информацион материалларнинг таҳлиллари асосида такомиллаштирилган жатканинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Ишлаб чиқилган кунгабоқарни ўришга мослаштирилган жатка мотовило 1, туп йўналтиргич-ажраткичлар 2, ўриш аппарати 3, шнек 4, орқа тўсиқ 5, ён тўсиқ 6, ҳаракатни узатувчи қисм 7 лардан иборат.


Кунгабоқар йиғиштиришнинг технологик жараёни қуйидагича кечади (2-расм): комбайн ҳаракат-ланганда қаторлаб экилган кунгабоқар поялари иккита ёнма-ён туп йўналтиргич-ажраткич орасидаги тирқишга йўналтирилади



а) юкоридан кўриниши  
 б) ён томондан кўриниши

**1-расм. Кунгабоқар йиғиштириш учун мослаштирилган жатка схемаси**

ва мотовило ёрдамида эгилтириб, ўриш аппаратида қирқилади. Сўнг улар мотовило планкалари ёрдамида шнекка ташлаб берилади ва шнеклар орқали жатка ўртасига йиғилиб, қия транспортер орқали янчиш аппаратига узатилади. Янчиш, ажратиш ва тозалаш жараёнлари одатдагидек давом этади.



**2-расм. Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жаткани ишлаш**


Агарда кунгабоқар ўсимлиги комбайн ҳаракат йўналишига қарама-қарши томонга эгилган бўлса, уни жатка ичига тушиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Чунки кесилган қисмининг оғирлиги кунгабоқарни жатка ичига томон оғишини таъминланади. Агарда кунгабоқар комбайн ҳаракат йўналиши томонга эгилган бўлса, у ҳолда кунгабоқар қирқилгандан сўнг мотовило планкаларидан ошиб тушиб жатка олдида, яъни туп йўналтиргич-ажраткич устига тушади. Туп йўналтиргич-ажраткичнинг жатка

томонга қия ўрнатилиши ҳамда жатканинг вибрацияси туфайли туп йўналтиргич-ажраткич устига тушган масса жатка ичига сирпаниб тушади ва технологик жараён юқорида келтирилганидек давом этади.

Жатка иш жараёни сифатли бажариши учун туп йўналтиргич-ажраткич ўлчамлари, яъни узунлиги  $L_T$  ва эни  $b_T$  ҳамда мотовилонинг планкалари сони  $z$ , айланишлар сони  $n_m$ , ўриш аппаратига нисбатан ўрнатилиш баландлиги  $h_m$ , ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама масофа  $a_{чек}$  ларни мақбул қийматларини аниқлаш керак.

**Туп йўналтиргич-ажраткичларнинг узунлигини асослаш.** Йиғиштириш даврида кунгабоқар саватчалари комбайн ҳаракат йўналишига қарама-қарши эгилган бўлса, унда улар ўрилган пайтда жаткага тушади, агарда саватчалар комбайн ҳаракат йўналиши томон эгилган бўлса, у ҳолда улар жаткага ўрнатилган туп йўналтиргич-ажраткич устига тушиши лозим. Демак, туп йўналтиргич-ажраткич узунлигини ушбу шартдан келиб чиқиб аниқлашимиз талаб этилади.

Шунинг учун кунгабоқар саватчалари комбайн ҳаракат йўналишига томон эгилган ҳолатни кўриб чиқамиз (3-расм). Чунки бу ҳолатда қирқилган саватчалар жатканинг ўриш аппаратиغا нисбатан энг узок бўйлама масофага



3-расм. Туп йўналтиргич-ажраткич узунлигини аниқлашга доир схема

тушади, демак туп йўналтиргич-ажраткич узунлиги шу масофадан кам бўлмаслигини ҳисобга олиб, унинг узунлигини қуйидаги шарт асосида аниқлаймиз

$$L_T \geq x_{K_1} + S_1 - S_2, \quad (1)$$

бунда  $x_{K_1}$  – пичоқ таъсирида эгилган кунгабоқар пояси асосидан саватчанинг оғирлик марказигача бўлган горизонтал масофа,  $m$ ;  $S_1$  – поя қирқилгандан сўнг саватчанинг жатка ўриш баландлигининг горизонтал чизигигача  $x$  ўқи бўйича силжиш

масофаси,  $m$ ;  $S_2$  – поя қирқилгандан саватчанинг жатка баландлигининг горизонтал чизигигача етиб келишга кетадиган вақт оралиғида комбайннинг босиб ўтадиган масофаси,  $m$ .

$K_1$  нуқтанинг  $x$  ўқдаги проекцияси  $x_{K_1}$  ни қуйидаги ифодадан аниқлаймиз

$$x_{K_1} = \sqrt{x_k^2 + y_k^2} \sin(\arctg \frac{x_k}{y_k} + \varphi), \quad (2)$$

бунда  $x_k$  – поя асосидан саватчанинг оғирлик марказигача бўлган горизонтал масофа,  $m$ ;  $y_k$  – поя асосидан саватчанинг оғирлик марказигача бўлган вертикал масофа,  $m$ ;  $\varphi$  – пичоқ таъсирида кунгабоқарнинг эгилиш бурчаги, *град*.

Қирқилган саватча туп йўналтиргич-ажраткичнинг ўрнатилиш баландлиги  $h_{жс}$  га тенг масофага етиб келадиган вақт  $t_1$  оралиғида саватча горизонтал йўналишда маълум бир  $S_1$  масофага силжийди

$$S_1 = V_{0x} t_1, \quad (3)$$

бунда  $V_{0x}$  – сегмент таъсирида поянинг эгилиш тезлигининг  $x$  ўқидаги проекцияси

$$S_2 = V_k t_1. \quad (4)$$

Юқоридагиларга асосан туп йўналтиргич-ажраткичнинг минимал узунлиги қуйидаги ифода орқали аниқланади

$$L_T \geq (V_{0x} - V_k) t_1 + \sqrt{x_k^2 + y_k^2} \sin(\arctg \frac{x_k}{y_k} + \varphi). \quad (5)$$

Келтирилган ифодаларга  $V_{0x} = 0,9 \text{ м/с}$ ;  $V_k = 1 \text{ м/с}$ ;  $t_1 = 0,37 \text{ с}$ ;  $x_k = 0,45 \text{ м}$ ;  $y_k = 1,41 \text{ м}$ ;  $\varphi = 0,066 \text{ град}$  эканлигини ҳисобга олсак туп йўналтиргич-ажраткич узунлиги  $509 \text{ мм}$  дан катта бўлиш кераклиги аниқланди.

**Туп йўналтиргич-ажраткич энини асослаш.** Ушбу параметрни иккита ёнма-ён турган туп йўналтиргич-ажраткичлар орасидаги тирқишга энг кичик диаметрли саватча тушиб кетмаслиги ҳамда туп йўналтиргич-ажраткичлар

орасидаги тирқиш, ўриш аппаратидаги бармоқлар орасидаги масофага тенг еки катта бўлиши шартдан аниқлаймиз. Демак тирқиш энг кичик диаметрли саватчалардан кичик, шу билан биргаликда ўриш аппаратининг бармоқлар орасидаги масофадан катта бўлиши лозим, яъни

$$S_k - D_{c.min} < b_T \leq S_k - S_{б.о.}, \quad (6)$$

бунда  $S_k$  – кунгабоқарнинг экиш қатор оралиғи, мм;  $D_{c.min}$  – энг кичик саватча диаметри, мм;  $S_{б.о.}$  – ўриш аппаратининг бармоқлар орасидаги масофа, мм.

“Dominator-130” комбайн жаткасининг бармоқлар орасидаги масофа 76 мм, саватчанинг энг кичик диаметри 125 мм эканлигини ҳисобга олсак, туп йўналтиргич-ажраткич орасидаги тирқиш  $S_T$  76-125 мм оралиғида бўлиши лозим. Демак, кунгабоқарнинг 700 мм ли қатор ораси учун туп йўналтиргич-ажраткичнинг эни  $b_T$  – 575-624 мм оралиғида бўлиши керак.

**Мотовилодаги планкалар сонини асослаш.** Йиғиштиришнинг технологик жараёни тўғри бажарилган ҳолда мотовилодаги планкалар сони минимал миқдорда бўлиши талаб этилади. Планкалар сони кўп бўлганда поя ва саватчага ўсимликларга бўлган механик таъсири ортиши натижасида дон нобудгарчилигининг ошиши кузатилади. Планкалар сони кам бўлганда эса пояларнинг эгилтириб бераолмаслиги натижасида технологик жараён бузилиши мумкин. Шунга кўра мотовило планкалар сонини қуйидаги ифода орқали аниқлаймиз

$$z = \frac{2\pi R_m V_k}{\left( a_m + l_p + \sqrt{R_m^2 - (h_k - h_m)^2} \right) \cdot V_n}, \quad (7)$$

бунда  $R_m$  – мотовило радиуси, м;  $V_k$  – комбайн тезлиги, м/с;  $a_m$  – ўриш аппаратидан мотовило марказигача бўлган бўйлама масофа, м;  $l_p$  – ўсимликлар орасидаги бўйлама масофа, м;  $h_k$  – ўсимликнинг қирқиладиган қисмининг узунлиги, м;  $h_m$  – мотовило ўқининг ўриш аппаратига нисбатан ўрнатиш баландлиги, м;  $V_n$  – планканинг чизикли тезлиги, м/с.

$R_m = 0,57$  м;  $V_k = 1$  м/с;  $a_m = 0,18$  м;  $l_p = 0,27$  м;  $h_k = 1,6$  м;  $h_m = 1,32$  м;  $V_n = 1,19$  м/с эканлигини ҳисобга олсак мотовило планкалар сони  $z = 3,16$  дона бўлиши кераклиги маълум бўлди.

**Мотовило айланишлар сонини асослаш.** Мотовило планкаларининг айланишлар сони улар саватчадаги уруғни уриб тўкмаслиги шартдан, аниқлаймиз. Мотовило планкаларининг чекли айланишлар сонини қуйидаги келтириб чиқарилган ифода орқали аниқлаймиз

$$n_m \leq \frac{30 \sqrt{V_k^2 + \left( \frac{P_{y.б.} t_3}{m_y} \right)^2}}{\pi R_m}, \quad (8)$$

бунда  $P_{y.б.}$  – уруғнинг сават билан боғланиш кучи, Н;  $t_3$  – зарба вақти, с;  $m_y$  – уруғ массаси, кг.

$V_k = 1$  м/с;  $P_{y.б.} = 0,6$  Н;  $t_3 = 0,0002$  с;  $m_y = 0,000085$  кг;  $R_m = 0,57$  м эканлигини ҳисобга олсак, мотовилонинг айланишлар сони  $n_m = 29$  мин<sup>-1</sup> дан ошиб кетмаслиги керак.

**Мотовилонинг ўрнатилиш баландлигини асослаш.** Мотовилонинг ўриш аппаратиغا нисбатан ўрнатилиш баландлиги қирқилган пояларнинг айланиб планкадан ошиб кетмаслиги ҳамда планкаларнинг пояларни комбайнга томон эгиб бериш шартларидан аниқланади. Бунинг учун планкани таъсир нуқтаси ўсимлик қирқилган қисмининг оғирлик марказидан юқорида бўлмаслиги керак яъни

$$h_m - (R_m - b_n) \geq (h_k - h_{жс}) - l_{м.у.} .$$

Бундан


$$h_m \geq R_m - b_n + h_k - h_{жс} - l_{м.у.} , \quad (9)$$

бунда  $b_n$  – планка эни,  $m$ ;  $h_k$  – кунгабоқар баландлиги,  $m$ ;  $h_{жс}$  – ўриш баландлиги,  $m$ ;  $l_{м.у.}$  – саватчадан қирқилган ўсимлик оғирлик марказигача бўлган масофа,  $m$ .

$R_m = 0,57 m$ ;  $h_k = 1,33 m$ ;  $h_{жс} = 0,5 m$ ;  $b_n = 0,02 m$ ;  $l_{м.у.} = 0,15 m$  эканлигини ҳисобга олсак мотовилонинг ўриш аппаратиغا нисбатан ўрнатилиш баландлиги  $1,23 m$  дан катта бўлиши керак.

**Ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама масофани асослаш.** Комбайн жаткасининг иш жараёни тўғри бажарилиши учун ўриш аппарати ва мотовило бир-бирига мутаносиб ишлаши лозим. Бунинг учун ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама максимал чегаравий масофаси  $a_{чек}$  аниқлаймиз (4-расм).

Агарда  $a_{чек}$  белгиланган қийматдан катта бўлса, у ҳолда ўсимлик



**4-расм. Мотовило планкаларининг траекторияси**

қирқилгунча мотовило таъсиридан чиқиб кетади, яъни мотовило ва ўриш аппарати бир-бирига нисбатан номутаносиб ишлайди.

Ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама масофасининг максимал чегаравий қиймати қуйидаги келтирилган ифодадан аниқланади

$$a_{чек} = R_m \cos(\pi - \varphi_2) - b_s - d_n , \quad (10)$$

бунда  $\varphi_2$  – мотовило ўқидан планка траекториясини ўсимликга таъсирининг тугаш нуқтаси ва горизонт орасидаги бурчак,  $rad$ ;  $b_s$  – ўриш аппарати учидан планка таъсирининг тугаш нуқтасигача бўлган горизонтал масофа,  $m$ ;  $d_n$  – ўриш баландлигидаги поя диаметри,  $m$ .

$R_m = 0,57 m$ ;  $\varphi_2 = 2,33 rad$ ;  $b_s = 0,098 m$ ;  $d_n = 0,02 m$  эканлигини ҳисобга олсак, ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама масофа  $0,277 m$  дан кичик бўлиши керак.

Диссертациянинг «**Тажрибавий тадқиқотлар**» деб номланган тўртинчи бобида кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатканинг параметрлари ва иш режимларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


**Туп йўналтиргич-ажраткичларнинг узунлигини аниқлаш.** Тажрибаларда туп йўналтиргич-ажраткичларнинг узунлигини жаткадаги уруғ нобудгарчилига таъсири ўрганилди. Тажрибаларда туп йўналтиргич-ажраткичларнинг узунлиги 400 мм бўлганда жаткадаги уруғ нобудгарчилиги 4,3 фоизни ташкил этган, 600 мм да эса 2,2 фоизга пасайган; узунликни янада ошиши билан нобудгарчилик ҳам ортиши кузатилди, яъни 800 мм бўлганда 2,9 фоизни ташкил этган. Туп йўналтиргич-ажраткичнинг узунлиги 400 мм бўлганда пояси баланд кунгабоқарлар туп йўналтиргич-ажраткич устига эмас, балки олдига тушган ва нобуд бўлган. Узунлик 700 мм ва ундан катта бўлганда эса пастки қисмдан эгилган поялар туп йўналтиргич-ажраткич орасидаги тирқишга тушаолмай олд томонга эгилиб нобуд бўлган. Туп йўналтиргич-ажраткичларнинг мақбул узунлигини 600 мм этиб қабул қиламиз.

**Туп йўналтиргич-ажраткичларнинг орасидаги тирқишни аниқлаш.** Эни турлича бўлган тажрибавий туп йўналтиргич-ажраткичлар комбайн жаткасига ўрнатилди ва жатканинг иш-сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. Туп йўналтиргич-ажраткич орасидаги тирқиш 80 мм бўлганда уруғ нобудгарчилиги 2,9 фоизни ташкил этди, 90 мм да 2,7 фоиз, 100 мм бўлганда эса 2,3 фоиз. Тирқиш кенглиги 110 ва 120 мм га катталашиши билан нобудгарчилик мос равишда 3,2 ва 5,9 фоизгача ортиб кетди. Туп йўналтиргич-ажраткич орасидаги тирқиш 100 мм бўлганда энг минимал нобудгарчиликка эришилгани боис мақбул параметр сифатида 100 мм ни қабул қиламиз. Шунда қаторлар орасидаги масофа 70 см экилган далалар учун туп йўналтиргич-ажраткич кенглиги 600 мм бўлиши лозим.

**Туп йўналтиргич-ажраткичларнинг жатка ўриш аппаратиغا нисбатан ўрнатилиш бурчагини тажрибавий аниқлаш.** Туп йўналтиргич-ажраткичларнинг ўриш аппаратиغا нисбатан мақбул ўрнатилиш бурчагини тажрибавий асослаш учун туп йўналтиргич-ажраткичлар ўриш аппарати (горизонт)га нисбатан  $0^\circ$ ,  $5^\circ$ ,  $10^\circ$  ҳамда  $15^\circ$  ўрнатилди ва тажрибаларда уруғ нобудгарчилигига таъсири ўрганилди. Туп йўналтиргич-ажраткичларнинг ўрнатилиш бурчаги  $0^\circ$  бўлганда жаткадаги уруғ нобудгарчилиги 2,5 фоиз бўлган бўлса,  $5^\circ$  бўлганда 2,2 фоизга тушиб,  $10^\circ$  ва  $15^\circ$  бурчакларда мос равишда 2,4 ва 2,9 фоизни ташкил этди. Ўрнатилиш бурчаги  $0^\circ$  бўлганда туп йўналтиргич-ажраткич устига тушган эркин уруғ ва саватчаларнинг маълум бир қисми жатка ичкарасига силжимамай, устида тўпланиши оқибатида туп йўналтиргич-ажраткичнинг бортидан ташқарига тушиши натижасидаги нобудгарчилик ҳисобига содир бўлган. Бурчак кўтарилиши билан эса туп йўналтиргич-ажраткич устига тушган уруғ на саватчаларни ичкарига силжиши кузатилди. Ўрнатилиш бурчаги кўтарилиши билан нобудгарчилик ҳам ортди. Бу ҳолат туп йўналтиргич-ажраткич асосидан эгилган пояларни олд томонга, яъни, пичоққа йўналтирилмагани учун йиғиштириш тўлиқлиги пасайиши билан изоҳланади. Ўтказилаган тажрибаларнинг натижалари асосида туп йўналтиргич-ажраткичларнинг жатка тубига нисбатан ўрнатилиш бурчагини мақбул қийматини  $5^\circ$  этиб танлаб олдик.

**Мотовилодаги планкалар сонини тажрибавий тадқиқ этиш.** Маълумки, “Dominator-130” ғалла комбайни жаткасининг мотовилоси 6 та

планкадан иборат. Мотовило балансини сақлаш учун тажрибалар планкалар сони 2, 3 ва 6 та бўлганда ўтказилди (5-расм).




1-эркин уруғ кўринишдаги нобудгарчилик; 2-саватча кўринишдаги нобудгарчилик; 3-жаткадаги умумий уруғ нобудгарчилиги.

**5-расм. Мотовило планкалар сони ( $Z_{пл}$ ) нинг жаткадаги уруғ нобудгарчилиги ( $H_y$ )га таъсири**

4,6 ва 1,7 фоизларни ташкил этган бўлса, планкалар сони 6 тага етганда 2 фоизга кўтарилган. Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб планкаларнинг мақбул сони 3 донга этиб белгиланди.

**Комбайн мотовилосининг айланишлар сонини тажрибавий тадқиқ этиш.** Мотовилонинг айланишлар сони комбайн тезлигига боғлиқ бўлгани учун тажрибаларда қулайлик бўлиши учун мотовилонинг айланишлар сонини комбайннинг тезлиги 1 м/с бўлганда тадқиқ этдик (6-расм).



1-жаткадаги уруғ кўринишдаги нобудгарчилик; 2-жаткадаги сабатча кўринишдаги нобудгарчилик; 3-жами жаткадаги уруғ нобудгарчилиги.

**6-расм. Мотовило айланишлар сони ( $n_m$ ) нинг жаткадаги уруғ нобудгарчилиги ( $H_y$ )га таъсири**

нобудгарчиликнинг энг кўпи 3,6 фоиз бўлиб, мотовило айланишлар сони 20 ай/мин бўлганда кузатилди. Мотовило айланишлар сони 24-26 ай/мин

Тажрибалардан кўринадики, планкалар сони кўпайиши билан эркин уруғ кўринишдаги нобудгарчилик ортиб бормоқда, сабатча кўринишдаги уруғ нобудгарчилиги эса камаймоқда. Мотовило иш жараёнида қатнашмаганда, яъни планкалар сони 0 бўлганда эркин уруғ кўринишдаги нобудгарчилик кузатилмаган, сабатча кўринишдаги нобудгарчилик эса 18,4 фоизни ташкил этган. Планкалар сони кўпайиши билан мотовилонинг кунгабоқар сабатчасига таъсири ҳам ортиб боради, натижада эркин уруғ кўринишдаги нобудгарчилик кўпаяди. Сабатча кўринишдаги уруғ нобудгарчилиги дастлаб планкалар сони 2 тадан 3 тагача етганда камайиб,

Мотовилонинг айланишлар сони 20 дан 32 ай/мин оралиғида 2 ай/мин кадам билан ўзгартирилиб, жаткадаги эркин уруғ ва сабатча кўринишдаги нобудгарчилик аниқланди. Мотовилонинг айланишлар сони 20 ай/мин дан 32 ай/мин гача ўзгарганда эркин уруғ кўринишдаги нобудгарчилик 0,3 фоиздан 1,0 фоизгача бир маромда ортган. Сабатча кўринишдаги нобудгарчилик эса дастлаб мотовилонинг айланишлар сони 20 ай/мин да 3,3 фоизни ташкил этган бўлса, 24 ва 26 ай/мин га ошганда 1,7 фоизга пасайди. Кейин айланишлар сони 32 ай/мин га ошиши билан сабатча кўринишдаги нобудгарчилик орди ва 2,4 фоизга етди. Умумий

бўлганда уруғ нобудгарчилиги агротехник талаблар даражасида бўлди, яъни умумий нобудгарчилик мос равишда 2,4 ва 2,3 фоизни ташкил этди. Мотовило айланишлар сони 32 *айл/мин* бўлганда эса 3,4 фоизгача ортди. Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатка мотовилосининг мақбул айланишлар сони сифатида, комбайн 1,0 *м/с* тезлик билан ҳаракатланганда 24-26 *айл/мин* ни қабул қилдик.

#### Мотовилонинг ўрнатилиш баландлигини тажрибавий тадқиқ этиш.


Тажрибаларда мотовило валини ўриш аппаратиға нисбатан ўрнатилиш баландлигини 120 *см* дан 140 *см* гача 5 *см* қадам билан ўзгартириб, тажрибалар ўтказилди. Тажриба натижаларидан кўринадики, мотовило валининг ўриш аппаратиға нисбатан ўрнатилиш баландлиги 120 *см* бўлганда уруғ нобудгарчилиги 3,8 фоизни ташкил этган, 130 *см* бўлганда 2,3 фоизга пасайган. Мотовило валини кўтарилиши билан уруғ нобудгарчилиги ҳам ортган, 135 *см* да 2,8 фоиз бўлса, 140 *см* да кескин ортган, яъни 4,6 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги тадқиқотларини инобатга олиб мотовило валининг ўриш аппаратиға нисбатан ўрнатилишнинг мақбул баландлигини 130 *см* бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама масофани тажрибавий аниқлаш.** Тажрибаларда мотовило ўқини 0 дан ҳар 21 *см* гача оралиғда ҳар 3 *см* билан ўзгартириб, уруғ нобудгарчилигига таъсири ўрганилди. Ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама масофа 0 *см* бўлганда уруғ нобудгарчилиги 5,2 фоизни ташкил этиб, масофа узоклашиши билан уруғ нобудгарчилиги пасайб борди ва 15 *см* га етганда энг паст кўрсаткич 2,3 фоизни ташкил этди. Кейнчалик яна ортиб борди, яъни, масофа 18 *см* ва 21 *см* бўлганда мос равишда 2,4 ва 2,8 фоизларни ташкил этди.

Тажриба натижаларидан келиб чиқиб ўриш аппарати ва мотовило ўқи орасидаги бўйлама масофа 15 *см* этиб танланди.

**Кунгабоқарни ўриш баландлигини тажрибавий аниқлаш.** Дала тажрибаларида кунгабоқарнинг ўриш баландлигини 40 *см* дан 80 *см* гача



1-жаткадаги уруғ нобудгарчилиги;  
2-комбайннинг иш унуми.


**7-расм. Кунгабоқар ўриш баландлиги ( $h_f$ ) нинг жаткадаги уруғ нобудгарчилиги ( $H_u$ )га ва комбайнни иш унуми ( $Q_k$ )га таъсири**

10 *см* қадам билан ўзгартирилиб уруғ нобудгарчилигига ва комбайннинг иш унумига таъсири ўрганилди (7-расм).

Тажриба натижаларидан кўринадики, ўриш баландлиги 40 *см* дан 60 *см* гача ошганда уруғ нобудгарчилиги 3,3 фоиздан 2,3 фоизгача камайиб, ўриш баландлиги 80 *см* бўлганда эса 3,2 фоизга ортган. Комбайннинг иш унуми эса ўриш баландлиги ошиши билан деярли бир текисда ортиб борди, яъни ўриш баландлиги 40 *см* бўлганда 1,2 *га/соат* ни ташкил этган бўлса, 80 *см* га етганда 2,1 *га/соат* ни ташкил этди.

Комбайннинг ўриш баландлигини энг паст жойлашган саватча баландлигидан пастроқ ўрнатиш лозим. Мойли кунгабоқар учун ушбу кўрсаткич 60 см баландликни ташкил этади ва шунга кўра мақбул баландлик сифатида 60 см танлаб олинди.

**Комбайннинг иш тезлигини тажрибавий тадқиқ этиш.** Тажрибаларда комбайн иш тезлигини 0,8 м/с дан 1,6 м/с гача 0,2 м/с қадам билан ўзгартириб иш-сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.



1-жаткадаги уруғ нобудгарчилиги;  
2-комбайннинг иш унуми.

**8-расм** Комбайн иш тезлиги ( $V_k$ ) нинг жаткадаги уруғ нобудгарчилиги ( $H_y$ )га ва комбайнни иш унуми ( $Q_k$ )га таъсири

Бунда иш тезлиги ошиши билан уруғ нобудгарчилиги ҳам ошиши кузатилди (8-расм), яъни тезлик 0,8 м/с бўлганда нобудгарчилик 2,1 фоизни ташкил этган бўлса тезлик 1; 1,2; 1,4 ва 1,6 м/с ларга ошиши билан бўлса, ошиши билан уруғ нобудгарчилиги ҳам ортиб, мос равишда 2,3; 2,4; 2,9 ва 3,8 фоизларни ташкил этди. Комбайн тезлиги ошиши билан унинг иш унуми ҳам 1,1 га/соатдан 2,3 га/соат гача бир текисда ошиб борди. Комбайннинг иш тезлиги 0,8-1,2 м/с оралиғида уруғ

нобудгарчилиги агротехник талаблар даражасида бўлди (кўпи билан 2,5 фоиз). Шунинг учун кунгабоқар йиғиштиришда ўрилаётган массага қараб мақбул тезлик сифатида ушбу тезликлар диапазонини танлаб оламиз.

Диссертациянинг «**Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайнининг иқтисодий самарасини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатканинг қисқача техник тавсифи, хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатканинг тажриба нусхаси билан жиҳозланган ғалла комбайни белгиланган жараённи ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди.

Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайни жаткасидан фойдаланиш иш сифатини яхшилаш, уруғ нобудгарчилигини камайтириш ҳисобига бир йилда битта комбайн учун ғалла жаткага нисбатан 51402104 сўм иқтисодий самара беради.

## ХУЛОСА

«Кунгабоқар йиғиштириш учун ғалла комбайни жаткасини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Кунгабоқар йиғиштиришнинг технология ва усулларини ҳамда жаткалар конструкциясининг ҳолати, ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида кунгабоқар йиғиштириш учун мослаштирилган жатка конструкциясини ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Кунгабоқарни йиғиштириш учун мослаштирилган ғалла жаткаси билан тўғридан-тўғри йиғиштириш усули ҳосилни камҳаражат билан агротехник талаблар даражасида яъни, иш унуми 1,5-1,6 *га/соат* бўлганда, жаткадаги уруғ нобудгарчилиги 2,3-2,5 фоиз, билан йиғиштириш имконини берди.

3. Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жаткага ўрнатилган туп йўналтиргич-ажраткич узунлиги уч қисмсиз 600 *см*, умумий 925 *см*; эни 600 *см*; пичоққа нисбатан ўрнатилиш бурчаги 5 *град*, орасидаги тирқиш 100 *мм* бўлганда кунгабоқарни агротехник талаблар даражасида кам нобудгарчилик билан йиғиштиришга эришилди.

4. Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жаткага ўрнатилган мотовило планкалар сони 3 дона, айланишлар сони комбайннинг 1 *м/с* тезлигида 24-26 *мин<sup>-1</sup>*, ўриш аппаратиغا нисбатан ўрнатилиш баландлиги 130 *см*, ўриш аппаратиغا нисбатан бўйлама масофаси 15 *см* бўлганда мотовило уруғларни уриб тўкмаслиги ва ўрилган пояларни планкалардан ошириб ташламаслиги ҳисобига сифатли технологик иш жараён таъминланди.

5. Кунгабоқар йиғиштиришга мослаштирилган жатка билан жиҳозланган комбайн ўриш баландлиги 60 *см*, иш тезлиги 0,8-1,2 *м/с* бўлганда талаб этилган иш-сифат кўрсаткичлар таъминланди.

6. Кунгабоқар йиғиштириш учун мослаштирилган жатка билан жиҳозланган комбайндан фойдаланилганда иш сифатини яхшиланиши ҳисобига битта комбайн учун 51402104 сўмлик иқтисодий самара олишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ОЧИЛДИЕВ ОТАБЕК ШОДИЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ЖАТКИ  
ЗЕРНОУБОРОЧНОГО КОМБАЙНА ДЛЯ УБОРКИ  
ПОДСОЛНЕЧНИКА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Гульбахор – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3.PhD/T479.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Астанакулов Комил Дуллиевич</b> доктор технических наук, с.н.с.
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Имомкулов Кутбиддин Бокижонович</b> доктор технических наук, с.н.с.  <b>Худайкулиев Ражаббой Рuzматович</b> кандидат технических наук, с.н.с.
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Центр по сертификации и испытанию сельскохозяйственной техники и технологий</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос.Гульбахор, ул.Самаркандская, 41. Тел.:(+998)70-601-07-04, факс:(+998)70-601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер\_\_\_\_). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года)

**М.Т. Тошболтаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

**А.А. Ибрагимов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., с.н.с.

**А.Тухтакузиев**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимает разработка и внедрение энерго-ресурсосберегающих технологий и технических средств для уборки подсолнечника. «Если учесть, что в мире подсолнечник выращивается на 25,5 млн гектар площади, с которой собирают более 44 млн тонн масличных семян подсолнечника»<sup>1</sup>, то уборка подсолнечника с минимальными потерями является актуальной. В этом аспекте большое внимание уделяется разработке высококачественных и энерго-ресурсосберегающих технических средств применяемых для уборки подсолнечника.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий уборки подсолнечника, а также технических средств для их осуществления. В этом направлении, в частности, одной из важных задач является повышение производительности и качества работы, а также энерго-ресурсосбережения путем оснащения зерноуборочного комбайна жаткой адаптированной для уборки подсолнечника. В связи с этим необходимо разработать энерго-ресурсосберегающую жатку для зерноуборочного комбайна, которая позволит осуществить уборку подсолнечника с наименьшими потерями, а также обосновать технологические процессы ее рабочих органов.

В Узбекистане проводятся широкомасштабные мероприятия по уменьшению затрат труда и энергии, сбережению ресурсов при выращивании масличных культур и разработке ресурсосберегающей с высокой эффективностью технических средств и технологий по качественной уборке подсолнечника с наименьшими потерями. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в частности, «...дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, дальнейшая оптимизация посевных площадей, направленная на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые колосовые культуры, с размещением на высвобождаемых землях... масличных культур». При реализации этих задач важным является разработка жаток, предназначенных для уборки подсолнечника, а также обоснование параметров ее рабочих органов, обеспечивающих высокое качество работы при минимальных затратах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020 гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», а также в других

---

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/#data/suflowerseed/QS>

нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** За рубежом исследованиями по уборке подсолнечника занимались такие ученые как X.Li, T.Csanadi, I.Dalmiř, A.Mirzabe, E.Sitchenko, S.Sudajan, R.Taylor, R.Martin, V.Hofman, V.Miklić, H.Kutzbach, Ya.Kaya, В.Шафоростов, С.Макаров, М.Попов, А.Старцев, В.Федоров, В.Капустин, Г.Егорова, Н.Иванчук и др.

В Узбекистане до недавнего времени никто не занимался обоснованием технологий и технических средств, а также адаптацией зерноуборочных комбайнов для уборки подсолнечника в условиях нашей республики.

